



ХАВАР

تېلېفون

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

● 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 1993 йил, 13 август № 33 (72) ●

Сотувда эркин нархда

Алоқа корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш бошланди. Ўзбекистонда давлат тасарруфидан бўлган корхоналарни хусусийлаштириш узоқни кўзлаб, бу ишнинг охири-оқибати чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилмоқда. Мазкур юмуш жойларда ҳукуматнинг барча қонун ва қарорлари асосида амалга оширилиб, давлатни боқариш тизими томонидан жорий этилган ҳуқуқ ва ваколатлар ҳам ҳисобга олинаётир. Бу тадбирни бир маромада ўтказиш учун тегишли давлат муассасалари фаолият кўрсатишда, хусусийлаштириш навбатлари жорий этилган. Қабул қилинган қарорларни бажариш кенг миқёсда йўлга қўйилмоқда.

Бир йил муқаддам бу муаммо Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида ўрганиб чиқилган эди. Вазирлик ҳайъатининг корхона раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган мажлисларида, меҳнат жамоалари йиғилишларида бу масала ҳар томонлама муҳокама этилиб, бир қатор таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқилган эди.

Алоқа корхоналари ўртасида ким биринчи бўлиб хусусийлаштиришга бош қўшади? Ўз-ўзидан бу саволга иккитан жавоб бериш масъулиятини янгича шароитда ишлашга пухта тайёргарлик кўришни тақозо этарди. Кимки бу борада бор масъулиятини ўз зиммасига олар экан, барча талабларга жавоб бериши, бошқаларга ўрнатилган шартларга жавоб бериши лозим эди. Алоқа соҳасида биринчи навбатда автотранспорт, матбуот тарихи корхоналари, лойиҳа, конструкторлик ва қурилиш

монтаж ташкилотлари, моддий-техника таъминоти, ишлаб чиқариш тармоғи хусусийлаштиришга молия деб топилди. Мазкур корхоналар технология жараёнининг узвий қисmini ташкил этмайдди. Кейинчалик саноат корхоналарини хусусийлаштириш борасида ҳам тегишли тартиблар жорий этилди.

1-Алоқа автотранспорт корхонаси жамоаси 1992 йилдаёқ биринчилардан бўлиб хусусийлаштириш юзасидан ташаббус билан чи

Нихоят, ораниб қутилган дамлар келди. Ўзбекистон Республикаси давлат мол-мулк қўмитаси Алоқа вазирлигининг 1-автотранспорт корхонасини давлат тасарруфидан чиқариб, унга хусусийлаштирилган жамоа ҳуқуқини бериш юзасидан қарор қабул қилди. 1-Алоқа автотранспорт корхонаси меҳнат жамоаси мулкига айланган хусусида ҳужжат ҳам берилди. Автотранспортнинг 142 нафар ҳодими қарийб 4 миллион 344 минг сўм тура

нат жамоаси бу қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш йўлларини излапти.

Ҳўш, хусусийлаштириш амалга оширилгандан сўнг автокорхона билан Алоқа вазирлиги ўртасидаги муносабат қандай бўлади? Энди икки томон ўртасида тузилган шартнома асосида иш кўрилади. Унда томонларнинг шартнома асосида қилинади. Мазкур шартнома кейинчалик қўзилиш шартли билан уч йилга тузилади.

корхонаси Вазирлик икитиридаги давлат корхоналари тартибидан чиқарилди. Бир гап билан айтганда, муз ўрнидан силкинди. Демак, хусусийлаштиришга оқ йўл!

Ўз ҳисобида автотранспорт воситалари бўлмаган айрим алоқа корхоналари раҳбарлари бу ҳолдан тааж-жубга қўшилди мумкин.

Ҳўш, автокорхона хусусийлаштирилгач, алоқачилар бундан қандай фойда кўришади? Очигини айтиш лозимки, алоқа корхоналарининг ҳозирча янги мулкдорлардан биринчи фойда кўриши кўзда тутилмаган. Фаолият учун транспорт керак бўлса, анча юқори бўлган нархлар бўйича хизмат ҳақи тўлаш керак бўлади. Бундан ташқари, корхона хусусий бўлгач, у бор қувват билан ишлаб кета оладими, алоқачиларга хизмат кўрсатиши лозимлигини унутмайдами? Агар шундай ҳол юз берса, унда нима бўлади? Нега меҳнат жамоаси

100 фоиз асосий мулкка эга бўлиб қолди? Хуллас, саволлар бисёр.

Автокорхонадан сўнг ким журъат қилиб хусусийлаштиришга киришди деган савол туғилиши табиий. Ўз навбатида бу янгиликни жорий этишга матбуот тарқатиш ва бошқа алоқа корхоналари ҳозирлик кўришмоқда. Бу борада муайян ишлар амалга оширилатир. Шак-шубҳа йўқки, ўз корхонасига эгаллик ҳиссини туғиши иштиёқда бўлганлар маънавий ойланиш учун 1-автотранспорт корхонасининг меҳнат жамоасига мурожаат қилиши аҳтимолдан холи эмас.

А. КУДИНОВ

ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ОҚ ЙЎЛ

қилган эди. Шунинг таъсирини лозимки, мазкур корхона раҳбари Т. Маҳмамов шу даврга ҳақиқий ташкилотчилик қобилиятини ишга солиб, иқтисодий ва ишбилармонлик фазилатларини ошқор қилган ҳолда жамоанинг бу юмушга қўл уришида бошқош бўлди. Мазкур масаладаги кўпдан кўп ташкилий ишларни ўз зиммасига олди. Собитқадамлик билан барча икитиришларга чек қўйилди. Раҳбарнинг меҳнат жамоаси ҳар томонлама қўл-қувватлади. Шунинг таъсирини таъти-ҳаракатда хатога йўл қўймаслик, бу борада тажриба орттириш, бошқаларга ўрнатилган шартларга жавоб бериши лозим эди. Алоқа соҳасида биринчи навбатда автотранспорт, матбуот тарихи корхоналари, лойиҳа, конструкторлик ва қурилиш

диган юзта автоматшарни ўз икитиришларига олишди. Бундан сўнг меҳнат жамоаси асосий воситалардан, 3,3 миллион сўмлик моддий бойликдан ўз икитиришга фойдаланиб, барча ҳисоб-китоб ишларини ҳажмқадатликда ҳал қилиб боради.

Бир гап билан айтганда, жамоа ўз мол-мулкига эга бўлди. Аммо шунинг айтиш лозимки, айрим меҳнат жамоалари бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хусусийлаштиришнинг амалга ошириши ўз-ўзидан йўлга қўйилди деб ўйлашди. Аслида ундай эмас. Хусусийлаштирилган автокорхонада ташвини кўпайиб, олднингга қараганда кўпроқ ишлашга мажбур

Шу нарса кўзда тутилганки, жамоа корхонаси собиқ давлат корхонасининг вориси бўлиб, олдин қабул қилинган барча шартнома ва мажбуриятларини бажаришга мажбурдир. Аҳдлашувда кўзда тутилган муддатда корхона ўз соҳасини ўзгартирмайди. Алоқа вазирлиги тизимидаги корхоналарга буюртма асосида ҳар кварталда 15 минг машина-соат транспорт хизмати кўрсатиши ўз зиммасига олади. Фавқулодда ҳолатларда алоқа корхоналаридан тушган буюртмалар бўйича керакли транспорт воситалари ажратлади.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги буюртмага кўра, 1-автотранспорт

ОЛАМДА НИМА ГАП ?

* ЯНГИЛИКЛАР * ХАВАРЛАР * ВОКЕЛАР *

● 7 август кунин Москвада Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Янгиликда Тожикистон Республикасида юзга келган вазиятни тартибга келтириш муаммоси муҳокама қилиниб, МДҲ чегараларининг дахлсизлигини тўғрисидаги декларация, тожики-афғон чегараларининг муҳофаза қилиниши кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ҳақида баёнот ва ташқи ишлар вазирларининг ҳозирги аҳволнинг мезғилга солиш бўйича БМТ га мурожаатнома қабул қилинди.

● 8 август кунин кечиси Тбилисидан 25 километр олдига, ҳарбий-Гуржистон йўлида америн

калик сибсатчи Фред Вудрофф отиб ўлдирилди. Сирли қотиллик юзасидан Гуржистон прокуратураси тергов ишларини олиб бормоқда.

10 август кунин марҳумнинг жасади АҚШга олиб кетилди.

Ишончли ахборот воситаларининг хабар беришича (Рейтер агентлиги, «Нью-Йорк таймс»), Ф. Вудрофф Америка Марказий разведка бошқармасининг ходими бўлган.

● 9 август кунин Тожикистонда ер силкинди. Зилзила маркази Душанбадан 150 километр шарқдаги, ҳозир ҳарбий ҳаракатлар кетмаган Товилларда атрафда бўлиб, қимирлаш зарби Рихтер шкаласи бўйича 7 баллага етди. Силки

ниш таъсири Тошкентда ҳам сезилди.

● Туркия Қора денгиздаги нефть танкерлари ўтушти сув йўлларини бекитишга тайёрланмоқда. «Хуррият» газетасининг хабар қилишига кўра, нефть кемаларининг қирғоқ яқинидаги шахарлар учун катта хавф туғдириши Туркия раҳбарларини ташвишга соляпти.

● Москвада рус шахарлари ва яқин ҳорижий мамлакатлар билан телефон алоқиси нархи барча миқозлар учун 2,5 баробар ошди. Эндиликда иш кунлари қилинадиган автомобил алоқа учун соат 8-18.00 орасида 3 каррлик кўпайтириш коэффициентини, 18.00—0.00 оралиғида эса — 2 коэффициентини, 0.00 дан 8.00 гача — од

дий тариф даражаси қўлланилади. Мазкур коэффициентлар давлат бюджетни қарамогидаги ташкилотларга тегишли эмас. Янги баҳолар тизими бўйича шанба, якшанба ва байрам кунлари 0,75 камайитириш коэффициенти қўлланилади.

Мободо телефон қилишга буюртма берилган бўлса, ҳафтанинг барча кунлари 4 каррлик тариф коэффициентини қўлланилади.

● 10 август кунин Душанбада Тожикистон ва Афғонистон ташқи ишлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувадаги келишув натижаларига кўра тожики-афғон чегарасида юзга келган низоини бартараф қилиш бўйича Ўзбекистон, Россия, Тожикистон ва Афғонистон ташқи сибсат вазирликлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви вақти ва жойи маълум бўлади.

БУГУНГИ СОНДА:

- АЛОҚА УИИ ОЧИЛДИ
- ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ОҚ ЙЎЛ
- ЯНГИ МАРКАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ
- ГИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

- КЕЛЖАҚДА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ҚАНДАЙ БУЛАДИ?
- БАҲОУДДИН НАҚШБАНД БИЛАН АМИР ТЕМУР ҚУРИШГАНМИ?
- УМР ҚОРРАҲАЛАРИДА




• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ВАҚТ БИЛАН ҲИСОБЛАШМАЙ

Абдухалиқ Каримов Самарқанд темир йўл вокзалдаги 4-рузномалар дўконининг сотувчиси. Табиатан одамшаванда. Секин гапирди, лекин тез ва соз ишлайди. Дўконда бирон тартибсиз терилган газета-журнални уратмайсиз. «Сотадиган молигингиз харидорлар диққатини жалб этмаса, кўзини қувонтирмаса бейфойда. Чунки харидор олдин сизнинг дидингиз, фаҳму-фаросатингиз қанақалигини даҳза бўлсин кузатади, кейин молигингизга қарайди», дейди у.

Абдухалиқ ака фақат кўннинг иккинчи ярмидан тунгача савдо қилади. Сабаби — эрталаб вокзалда одам кам бўлади. Кеч бўлди дегунча йўловчилар йиғилиб келаверади. Улар орасида турли тонфадаги одамлар бор. Мўҳими — газета олиб, зерикшданми ёки бирон янгиликдан бохабар бўлиш иштиёқиданми, мутлоага берилишди.



қандай ўзгаришлар бўлаёттиби?» каби саволларга жавоб излайди. Агарда берилмаётган хабар ёки маълумот тўғри бўлмаса, унинг ҳеч кимга кераги йўқ. Газетачи тўғри хабар бериши, ўзи англаб етган нарсани бошқаларга ҳам етказиб билиши лозим. Айни пайтда ҳар қадамда замондан нолиб юрган одамларни учратасиз. Лекин унчалик эмас-да. Тўғри, одамлар қийналишяпти, ўтиш даври машаққатларини бошдан кечиришяпти, лекин ишлаган, интилган яхши ишаяпти-ку! Уғрилик қилмай, ҳаром ишга қўл урмай, сидқидилдан меҳнат қилган одам кам бўлмайди. Бу замон талабига эмас, балки ҳаёт талаби, инсон табиатига муҳрланган ҳислат-ку!

— Касбингиздан кўнлингиз тўладими?

— Албатта. Йўқса бу касбини танламаган бўлардим. Газета сотишнинг ўзига яраша мароқли томонлари кўп. Энг муҳими илм, маърифат улашялман деган ўй сизга таскин беради. Шукр, маошга қаноат қилиб ишаялмай. Хотиним ҳам рўзномалар дўконидан ишлайди. Бир ўғлим сотувчи, учтаси ҳайдовчи. Ўзим ун йилки шу дўконда ишлайман.

— Кўннича тун чоғи ишларкансиз, қийин эмасми?

— Тунда савдо қилмасангиз режаларни удалаб бўлмайди. Баъзан ярим оқшомгача дўконда қолиб кетаман. Баъзан алам қилади. Мен ҳам отаман, оила бор. Лекин нима қилай, бу касбини тарк этолмайман. Яна турмуш дегандай...

— Муаммоларингиз ҳам етарлидир?

— Олдин дўконим вокзалнинг гавжум жойида эди, янги бинони қуришди-ю, унинг кўздан йироқ, пастки қисмидан жой беришди. Буниси биروز кенг, тартибли, аммо харидор кам.

— Бунинг сабаби нимада?

— Ҳозир Самарқанд вокзали биносига 10 сўм тўламасангиз киритишмайди. Шу боисми, йўловчилар биного кирмай, поездга миниб кетаверишади.

Бундан ташқари дафтар, ручка каби ўқув қуроллари етишмайди. Ҳолбуки, ҳадемай мактаб даври бошланади. Яна, таклифнома-лар бўлса нур устига аъло нур бўларди.

Абдухалиқ ака билан узоқ суҳбатлашдик. Олдин сотувчининг бу қадар дилкаш, заковатли эканлиги, тўғриси, мени ажаблантирди. Поездга чиққач ҳам унинг сўзлари хаёлимдан нари кетмасди: «Самарқанд оқшомлари жуда гўзал бўлади. Тунда унга қайтишнинг гашти ўзгача...»

Ю. АСАДУЛЛОЗАДА

Бу воқеа сира хаёлимдан кетмайди. Орадан анча йиллар ўтган бўлса-да, йша манзарани эсласам негадир кўнглим хижил тортади.

Марказий телеграф биносида телеграфчи ўрс аёл билан сўзлашаётган бир ота-хонга дуч келиб қолдим. У ўз фикрини тушунтирмоқчи бўлар, лекин тил билмаслиги сабаб бунини элломасди.

— Бабай, устпайте дорогу! — деди мазмура аёл билан билганча отахонини жеркиб. Воқеани кўриб турган одамлар гўё бу одатдаги ҳолдай лом-мим дейишмади. Қадриқиммати топталган отахон афсус-надомат билан бош чайқайди: «Уз элингда ўзинг бегона бўлсанг алам қиларман». Отахонини бир кун ёруғ кунлар келишини айтиб юпештига уриндим...

қайсидир шахрида юргандай ҳис қилдим ўзимни. Шаҳар кодлари, ахборот ва турли эълонлар рус тилида ёзилган. Бу ерда ва атрофдаги бошқа алоқа нуқталари ишчилари орасида ҳам бирон маҳаллий миллат вакиллари учратмадим. Берган саволларимга ҳам русча жавоб олдим.

Келинг, шу ерда бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Яқингача рус тилини яхши билганлар биринчи навбатда ишга олинарди. У вақтларда маҳаллий халқ тили, дини, урф-одатлари ҳақида гапириб қийин эди. Энди-чи? Бугун нега ўз тилимизда иш юритишдан чўчиймиз? Нега ишга қабул қилишда ҳодимнинг давлат тилини билиши билмаслиги инobatга олинмайди!

Қилса бўлар экан-ку! Бунинг учун озгина ҳафсала бўлса кифоя. Ахир азим Самарқандга ташриф буюрадиган меҳмонлар миллий хусусиятларимизга, айниқса, тилимизга эътибор беришмай-дими!

Яқинда Туркиядаги ўз мухбиримиз Эркин Шермон тахририятга келди. Анча суҳбатлашдик. Гап айланиб келиб давлат тилига тақалғач, афсус билан шундай деди: «Ҳафтада ёки ойда Тошкентдан кўнгирак қилиб қолишди. Алоқани улаб беришчи турк биродаримиз тошкентлик ҳамкасбининг русча сўзларини тушунмай хуноб бўлади. Шундай пайтда алоқачилар ўзбекчани билишганда борми, ҳеч қийналмай ўзара тил топишарди».

• Тила эътибор—эла эътибор

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Бу воқеадан сўнг анча йиллар ўтди. Мустақиллиқни қўлга киритдик. Алоқа идораларидаги маҳаллий халқ тили, дини, урф-одатларини яхши билмайдиган баъзилар масъул кишилар ўз хатоларини тушунишди. Шюрлар, ҳужжатлар давлат тилида ёзилмайдиган бўлди. Ўзбек тилини ўрганиш курслари очилди. Бироқ уларни қониқарли деб бўладими! Бизнингча, одамларнинг кўпроқ иши тушадиган алоқа хизматиде тўлиқ давлат тилида иш юритиш фурсати келди.

Яқинда хизмат юзасидан Самарқандга бордим. Бир вақтлар Ҳофиз Шерозий ер юзининг сайқали деб атаган бу тарихий шаҳар янада чирой очибди. Мўхташам бинолар, муаззам обиделар ўз кўрки, салобати билан кўнглига ғулу солади. Афсуски, ҳар кунни юзлаб сайёҳлар келиб кетадиган шаҳардаги алоқа хизматини кўргач, қувончингиз узоққа чўзилмайди.

Марказий шаҳарлараро сўзлашув нуқтасига кириб боргач, девор пештоқларидаги аъваларни кўриб, Ўзбекистонда эмас, Россиянинг Мустақиллик шароитида яшаш бир қанча муаммоларни олдимизга кўндаланг кўндаланг. Улардан бири ривожланган мамлакатлар билан эркин бордин-келди, олдинки ишларни соф ўзбек тилида олиб бориш масаласидир. Бу ишларни бугун амалга оширмасак, эртага кеч бўлади. Бунинг ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро дилдан ҳис қилмоғи лозим.

Ҳали ҳамон турли хил ажуманларда раҳбарларнинг ўзлари она тилида сўзлашни негадир ўзларига эп кўришмайди, йиғилганларнинг аксарияти маҳаллий миллат вакиллари бўлса-ю, нотиқларнинг ўзга тилда гапирishi ҳам қулғили, ҳам ачинарли эмасми! Бу ҳолдан оддий ишчи қандай хулоса чиқариб оларкан!

Самарқанд вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонасида Раббим Мусурмовдек давлат тилини яхши билмайдиган мутахассслар ишлайди. Барча эълон, буйруқ ва деворий газеталарнинг ўзбек тилида битилганини кўриб, кўзингиз қувонади.

Алоқа вазирлиги қошидаги давлат тилини жорий этиш бўйича тузилган комиссия фаолияти янада самаралироқ бўлиши лозим. Яқинда бўлиб ўтган комиссия йиғилишида ҳам мавжуд камчиликлар очик-ойдин айтилди, аъзолар сафи янгиланди. Энди, асосий эътибор иш юритиш қоғозлари, ҳужжат ва йўриқномаларни чоп этиш ҳамда вилоят алоқа корхоналарида давлат тилига қандай амал қилинаётганини текширишга қаратилади.

Умид қиламизки, бир кун келиб алоқа хизмати ёппасига давлат тилида фаолият кўрсатади. Жаҳон афкор оммаси радио, телевидение ва телефон орқали таралаётган ўзбек тилининг жозибадор кудратидан ҳайратланадилар.

Бир кун... Уша кунларни яқинлаштириш ёки янада узоққа суриш ўз кўзимизда. Вақт ўтмасин. Зеро, лоқайд кечирилган ҳар бир дақиқа учун кейин пушаймон қилиб юрмайлик.

Юсуф РАСУЛ



Марказлаштирилган автоматлаштирилган тузатиш бюроси (МАТБ) таҳлил гуруҳи иш устида. СУРАТДА: (Чандан ўнгга) Рамиля Давлатшина, Наташа Ким ва Гули Йўдошевасуратчи Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

АЛОҚА УЙИ ОЧИЛДИ

Ҳозирги кунда Самарқанд вилояти электр алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси иқтисодий ва молиявий жиҳатдан республикамизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бироқ шунга қарамай, аҳолига ҳамда халқ ҳўжалигига алоқа хизмати кўрсатишнинг сифати қониқарли бўлмаётди. Бунинг бирдан-бир сабаби шаҳар ва районлардаги алоқа тармоқлари ускуна-жиҳозлари, аппаратларининг замон талабидан анча ортда қолганлигидир. Алоқа хизматини тубдан қайта қуриш, узоқ масофалар билан боғланишга эришиш, сўзлашув сифатини яхшилаш учун эса мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш — электр алоқаларини кенг жорий этиш та-

лаб қилинади. Бу борада вилоятда анчагина ишлар амалга ошириляптир. Бундан икки йил аввал Туркиянинг «Симко» фирмаси билан ахдлашувга мувофиқ 2500 миңгога 24 канал бўйича хизмат кўрсатадиган электр телефон станцияси фойдаланишга топширилди. 1 миллиард сўмлик бу станцияни туркияликлар самарқандликлар учун бепул қуриб беришди. Бу станция ёрдамида жаҳоннинг истаган шаҳри билан бемаъл сўзлашиш имконияти яратилди. Шунингдек, мазкур станция орқали учта рақамли телефон воситасида узоқ масофалар билан боғланиш чоралари қўрилмоқда. Бундан ташқари, самарқандликлар тўртта халқаро каналли телефон алоқа-

си ўрната оладилар. Келгусида «Симко» имкониятларини янада кенгайтириш, абонентларни ўн мингтага, каналлар сонини эса 2400 тага етказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Олмонининг «Седекс» фирмаси билан ҳамкорликда телефон хизматининг юздан ортиқ турини жорий этиш режалаштирилган. Шаҳар ва районлардаги телефон станциялари ишини янада яхшилаш билан боғлиқ бир қатор тадбирлар амалга оширилади. Боғишамол мавзесида алоқа уйининг очилиши ва бу ерда замонавий асбоб-ускуналарнинг халқаро талабларга мос даражада ўрнатилиши ана шу имкониятларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. **А. ҲАЙТОВ**

Мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида бўлганидек, алоқа соҳасида ҳам чуқур иқтисодий инқироз ўз тасирини кўрсатаётди. Аммо тadbиркорлик билан иш юритган меҳнат жамоаларида

шимча турли хизматларни жорий қилимиз. Ходимларимиз қариялар ҳўзурида бўлишиб, уларга мактуб ёзишда, шошилинчомалар юборишда ёрдам беришда, хонадонларга хат жиғдлари, табрикномалар олиб

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ

қийинчиликларни енгиб ўтиш имкониятлари қийин топишмоқда ва ишга солишмоқда.

бориб беришда. Бўлимдаги ишларни ташкил этишда бошлиқ ўринбосари Маҳфуза Қосимованинг хизмати катта. У барча ходимларнинг оилавий аҳволи билан яхши таниш, зарур пайтда моддий ёрдам уюштиради. Бўлимда иш эршлаб саккизда бошланади, тушлик бир соат, фақат яқшанба кунлари дам олинади. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли жамоа ойлнк топшириқларни ҳаминша ошириб адо этмоқда. Утган ойда режадаги 23000 сўмлик ўрнига 26700 сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди.

Анджон шаҳридаги 3-кичи даҳада жойланган 34-алоқа бўлими ходимлари етти юздан зиёд нафақахўрлар, уруш ногиронлари ва меҳнат фахрийлари га хизмат кўрсатишмоқда. Почтачилардан Лидия Алиханова, Мамлакат Юнусова, Мамлакат Холматовалар хат-хабарлар, газетажурналлар ва нафақа пулларини ўз вақтида эгаларига етказишмоқда.

Алоқачилар ўтиш даври қийинчиликларини енгишда меҳнаткашларга ақидан ёрдам бериш учун барча тажрибаларини ишга солишмоқда. Бундан даҳа аҳолиси миннатдор. **У. САКСОНБОВ,** Анджон вилояти

ҲАМ КўРИБ, ҲАМ ГАПЛАШАСИЗ

Яқин кунларда ҳўжандликлар дунёнинг турли туман-шаҳарлардаги танишлари, ёр дўстлари билан кўришиб, гаплашиш имконига эга бўладилар.

Шаҳарда 2910 каналли алоқа мажмуи ишлаб бошляди. Телеэкрани телефон қуришни Санкт-Петербургдаги «Алкател-Бел» фирмаси бўлимига зиммасига олди. Замонавий алоқа воситасини қуриш учун Франция ва Бельгия фирмалари ва вилоят алоқа бирлашмаси шартнома имзолашган. **Ўринбой УСМОН** Ҳўжанд вилояти

ЯНГИ МАРКАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Кўплаб ҳаваскор филателистларга маълумки, республикамиз мустақилликни қўлга киритган илк кунлардаёқ хур мамлакатимизнинг дастлабки маркалари жорий этилган эди. Уларда тарихий Кўкалдош обидаси ва Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ўз аксини топди.

Бу йил филателистлар хазинаси яна бир бадий марка билан бойийдиган бўлди. Республикаимизнинг байроғи ва рамзи акс этган бу марканинг баҳоси 50 сўм. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг «Ўзбекистон маркази» нашриёт марказидан чиқарилаётган тарихий обидалар, буюк шахслар, табиат жониворлари акси туширилган турли хил маркалар миллий хусусиятларимизни ўзида муҳасам этаётгани билан диққатга сазовордир. Бундан кейин республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан турли хил анвойи гулли маркалар чоп этилиши кўзда тутилган.

НОВЧА ЭГИЗАКЛАР

АҚШнинг Мичиган штатидаги Троя шаҳрида Майкл ва Жеймс Лавреллар (1969 йил 27 кўйорда туғилган) дунёдаги энг балад бўйли эгизаклар ҳисобланишади. 14 яшарлик чоғларда уларнинг бўйи 216 сантиметр эди, ҳозир бу кўрсаткич 233,3 сантиметрге тенг. Уларнинг синглиси

Женнифернинг бўйи эса атини 157,4 сантиметр. Дунёдаги энг новча эгизак аёллар эса АҚШнинг Висконсин штатидаги Мадисон шаҳридаги Энн ва Элизабет Жонсонлардир. Энинг бўйи 185 сантиметр бўлса, Элизабетнинг пича баландроқ, 188 сантиметрдир.

«Ўзбекистон маркази» утган йил август ойда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги қўшида ташкил этилган. Утган давр давомида чоп этилган 18 бадий марка эндиликда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида жонажон дйримизнинг бой тарихи, гўзал табиати ва машҳур зотларини намойиш этаётди.

Рус ерида юбортма ва мактублар жўнатишни давлат миқёсида тартибга солиш «повоз» хизмати билан боғлиқ бўлиб, бу иш 984 йилда амалга оширилди. Повоз дегани йўл ва дарё бўйларида яшовчи ва Киевни бошқа рус шаҳарлари ва князликлари билан боғловчи аҳоли уюшмасидир. Бу одамлар (дин аҳли ва боёрлардан ташқари) князликлар юборган вакилларнинг биринчи талаби биланоқ уларни ўт, ем-хашак, от-улов, эшак ва эшакчилар билан таъминлашга бурчли эдилар.

Алоқа тарихидан РУС ПОЧТАСИ ЯМШИКЛАР

Утмишда мактублар тасоудий кишилар, аксарият ҳолларда эса кўп сабаб қилувчи савдогарлар орқали юбориларди. Рус ерига махус юборилган чопарлар ҳақида «Ўткнчи йиллар қиссаси» да ўқиймиз. Бу воқеа 885 йилда юз берди. Ана шу сана Рус давлати почтаси тарихининг бошланishi ҳисобланади.

«Повоз»лар ўрнини ХП асрга келиб ямшиқлар эгалляди. У муттасил алоқа хизматида, маълумотмалар, муҳим юбортмаларни етказишга бўлган ҳаётий эҳтиёж туфайли юзага келди. «Ям», «даям», сўан йўл, «ямчиси» эса кузатувчи маъносини англатиб, Рус ерида мўғуллар истилоси даврида пайдо бўлса-да, фақат рус туپроғига хос ҳодиса бўлиб, бошқа биронта давлатда учрамайди. Ямшиқлар бамисоли отликлар эстафетасини эслатади.

Рус ерида юбортма ва мактублар жўнатишни давлат миқёсида тартибга солиш «повоз» хизмати билан боғлиқ бўлиб, бу иш 984 йилда амалга оширилди. Повоз дегани йўл ва дарё бўйларида яшовчи ва Киевни бошқа рус шаҳарлари ва князликлари билан боғловчи аҳоли уюшмасидир. Бу одамлар (дин аҳли ва боёрлардан ташқари) князликлар юборган вакилларнинг биринчи талаби биланоқ уларни ўт, ем-хашак, от-улов, эшак ва эшакчилар билан таъминлашга бурчли эдилар.

Йўллардаги қўвалғалар — «яма»ларда (оралиғи 30—100 верст эди) отлар алмаштирилган, тунаб қолмиган. Ямадан амага отликлар ва юк ортган ямшиқлар почта билан елиб юришган. Серқатов йўллар анди давлат тасаруфига ўтган. Маҳаллий аҳоли бу йўлларда тартиб ўрнатиши лозим бўлган.

СўЗ ТАГИДА СўЗ БОР

«АЛЬБОМ» — ОҚ ДЕГАНИ

«Альбом» номи лотинча «оқ» деган сўздан келиб чиққан. Қадимги римликлар оқ гипс суртилган тахталарга янгилликлар, турли кўрсатмалар, сенатор ва айрим жангчиларнинг исмларини ёзганлар.

чиқарилмоқда ҳамда улардан турли мақсадларда фойдаланилади.

«ШОХКИТОБ»

Англия мактабларида ўқитиладиган алифба китобини «Хорнбук» деб аталади. Унинг маъноси (хорн — шоҳ, бук — китоб) шохкитоб демакдир. Бу ном қандай келиб чиққан? Маълум бўлишича, бундан беш аср аввал инглиз болалари дастали тахтачага ёпиштирилган ва ҳарфлар ёзилган қоғоз ёки тери парчаси билан ўралган китобларни, ўқинган экан. Тахтачадаги қоғоз ва тери парчалари тўзиб, йиртилиб кетмаслиги учун уларнинг устига шодан тайёрланган суюллик суртиб қўйилган. «Шохкитоб» номи шундан қолган эди. **А. АЛИЕВ** тайёрлаган

Ўрта асрларда дафтарларнинг ҳам альбом деб аташган. Бундай дафтарларга ўз аждодларининг тарихини, файласуфларнинг фикрларини ва давлат арбобларининг буйруқларини ёзишган. XVIII асрда варақлар турли рангдаги альбомлар пайдо бўлган. Бу хил альбомларга шоврлар ўз шеърларини ёзишган, расомлар расмлар чизишган. Ҳозирги вақтда эса альбомлар жуда кўп рангда ва ҳар хил катта-кичикликда



Шеър, оҳанг ва гўзаллик тантанаси.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

Р. ЮСУФ



Бундан олти ярим аср илгариги Самарқанд, Бухоро ва Урганч манзаралари, одамлари билан учрашувни ёстейсизми! Унда машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута қаламига мансуб «Саёхатлар» асарининг ўлкамажга оид қисллари билан танишиб чиқишингиз лозим. Заковатли ўзбек шарҳинос олим Нейматилла ИБРОҲИМОВ асарининг шу бўлагини таржима этиб, Ибн Баттута ҳаёти ва саёхатлари, асарининг ўрганилиши ва таржима қилиниши тарихга йирик тадқиқот иши бағишлаб, ҳар иккисини «Ибн Баттута ва унинг Урта Осиё бўйлаб саёхатлари» номли китобда эълон қилди. Қуйида асарининг арабчадан русчага қилинган таржимасидан айрим парчаларини ўзбеклаштириб, диққатингизга ҳавола этаётормиз.

ХОРАЗМ ШАҲРИ

Бу, туркларнинг энг катта, муҳим, гўзал ва улугвор шаҳаридир, у акжонинг бозорлар, кенг кўчалар, кўп сонли бинолар ва таассуротга бой кўринишга эга! Шаҳарда ҳаёт қайнайдди, аҳолисининг кўплигиндан гуаиллаётган денгизга ўхшайди. Бир сафар, шаҳар бўйлаб ўтиб борарканман, бозорга кирдим, унинг ўртасига етганда ўзимни энг сершоҳлик жойда кўрдим... Шу қадар тиқилинч эдикки, на олдинга, на орқага юрولмай қолдим, узоқ уринишлардан кейингина базўр қўтулиб чиқдим. Нимдир менга айтдики, жума намози кунлари² тиқилинч намроқ бўлади, чунки шу кунни Қайсарийа ва бошқа бозорлар ёпилади.

Жума кунини отимга миниб, маҷит ва мадрасага бордим. Бу шаҳар Султон Ўзбек³ ҳукмронлиги остида бўлиб, унда улуг амир Қўтлуғ Темур⁴ яшайди. Бу амир мадраса ва унга қўшилиб кетган биноларни бунёд эттирган. Маҷитни эса унинг олижаноб рафиқаси Тўрабек хотун қурдирган. Хоразмда беморхона (мористон) бор, унда ўзига Саҳийун нисбат берган суриялик табиб ишлайди. Бутун жаҳонда ҳали менга хоразмликлар каби ажнабийларга нисбатан хушхул, олижаноб, меҳмондўст кишиларни учратиш насиб этмаганди...

Хоразмдан ташқарига жаннатдан бошлангандаги тўрт дарадан бири — Жайхун оқиёти ўтади.⁵ Бу дарё Итил (Болға) каби қишда музлайди, шунда одамлар ундан ўта олишади. Уни беш ой мобайнида муз қоплаб туради. Кимки энди муз қоплаётганда юрса, ҳалол бўлади. Ўз кунлари кема-ларда Термизга боришда на у ердан бўғдой, жандар келтиришади. Бу, оқим бўйлаб ўн кувлик йўли.

Хоразмга кирверишда, улуг шайх Намиддин ал-Қубор⁶ қабирида зовия барпо этилган. У ерда шаҳарга келиб-кетаётганар учун таомлар тайёрланади...

Бу шаҳарга келган кунларим жума номозини қозни Абу Фаҳром Умар билан ўқидим, номоздан сўн унинг шу атрофда жойлашган хонадонига бордим. Мен у билан бу кишининг мажлиснохонасига кирдим. Бу, ажойиб бир хона бўлиб, гўзал гиламлар тўшалган, деворлари мовут билан қопланган, кўплаб гўкчаларига олтин суви югуртирилган кумуш идишлар ва ироқи кўзалар териб қўйилган эди. Одатда, бу мамлакат аҳли ўз уйлариини шундай безатиб қўйишади. Кейин турфа хил таомлар келтира бошладиди...

ХОРАЗМ АМИРИ

У—улуг Қўтлуғ Темур диди... Бу амир — улуг султон Муҳаммад Ўзбекнинг холаваччаси бўлиб, унинг амирлари орасида энг эътиборлиларидандир. Амир унинг Хуросондаги ноибни ҳамдир...

Қозни ҳар кун амир қабулхонасига келиб, ўзига ажратилган жойга ўтиришни, у билан бирга фақих ва котиблар келиши одат сифатида қабул қилинган экан. Амир рўпарасида бош амирларидан бири ва Йорғужий⁷ деб номланувчи саккиз нафар катта турк амирлари ва шайхлари ўтиришади. Одамлар улар қознига ўз аралари билан ке-

лади. Агар иш шариятга оид бўлса, қозни ҳарор қабул қилади, бошқа ишларни амирлар ҳал этади. Бу кишининг ҳукми аниқ, адолатли, чунки уларнинг холислигига шубҳа йўқ ва улар пора олишмайди.

Амир қабулида бўлганимиздан кейин мадрасага қайтдик ва у бизга гуруч, ун, қўй, мой, турли зирavorлар ва боғламли ўтин юборди. Бутун мамлакатда худди Ҳиндистон, Хуросон ва Эрондаги каби кўмир нималигини билдишмайди. Бироқ Хитойда ёқилган учун тошдан (яъни тошқумирдан) фойдаланилади, у худди пис-та кўмири сингари ёнади, кулга айлана бошлаганди эса уни сув билан аралаштириб, офтобда қуритишди ва кейин, у бутунлай ёниб биттунча, таом тайёрлаш мумкин.

Шаҳар аҳолиси узум ҳосиллини йил бўйи сақлай олади. Уларда ал-олу (ол-хўри) деган мева бор бўлиб, уни қуритиб Ҳиндистон ва Хитойга жўнатишар экан. Бу меванинг устига сув қуйиб ичишади. Янги узилган пайтида — ширин, қуритилганда нордонроқ бўлади, мевасида гўшти кўп, уни на Андалусия ва на Сурияда кўрган эмасман.

Кейин бир кун юриб бир-бирга тутатиб кетган боғу-роғлар, зилол, сувли ариқлар, экинзор даладар оша Бухорога, муҳаддислар имомни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий⁹ шаҳрига етиб келдим. Бу шаҳар Жайхун ортидаги шаҳарлар пойтахти бўлган, бироқ манфур Тенгиз (Чингизхон), Ироқда ҳукмронлик қилаётган шохлар ажодди уни вайрон этади, ҳозир ша-

Тармаширин қароргоҳига йўл олдики...

МОВАРОУННАҲР СУЛТОНИ

Бу — улуг султон Алоийдин Тармашириндир¹⁰. У қўдратли, кўп қўшига эга, улкан подшоҳлиқни бошқаради, кучли ва адолатли. Унинг мамлақати дунёнинг тўрт улуг шоҳи: Хитой шоҳи, Ҳиндистон шоҳи, Ироқ шоҳи ва шох Ўзбек мулкларини ўртасида жойлашган. Ҳаммалари ундан қўчийди, унга иззат-иқром кўрсатишади...

Урда деб аталувчи қароргоҳда бир неча кун қолдим. Бу кун масжидда саҳар намозини тутатганимда, кимдир султон шу ердалигини айтди. Мен сўрашди учун унга пешвоз чиқдим. Шайх Ҳасан ва фақих Хусомиддин ал-Еғий султонга мен ҳақимда ва бир неча кундан буюн шу ердалигимни тўғри-сида айтди. Султон менга туркийчада мурожаат қилди: «Хушимсан, аҷхимсан, қўтулу айусан (келибсан)» (Ибн Баттута бу сўзларининг ўз тилида, арабчада қандай маъно касб этгани ҳақида тўхталади).

...Чодир (султон қабулхонаси) кираверишда ном, хожиб ва соҳиб ал-алома (муҳрдор) турарди. Кираёт-

тиб туртингини сўрайпти. Имом ўриндан туриб, унга жавоб берди: «Намоз баройи худо ё баройи Тармаширин?», яъни «Намоз оллоҳ учунми ёки Тармаширин учунми?». Ва муаззинга намозини бошлашни буюрди. Султон келганда, икки ракат ўқиб бўлинганиди; шунда у қолган икки ракатни тўхтаган жойида — кишилар оёқ кийимини ечган пойга-да ўқиди. Аввалги ракатларни ҳам ўқиб, имомнинг олди-га келди ва кулиб, қўл бериб сўрашди. Мен имомнинг ёнида эдим. Кейин султон менга шундай деди: «Ўз юртинга боргач, форсларнинг қамбағалларидан ҳам қамбағал турклар султони билан қандай муомалада бўлганини ҳикоя қилиб бер».

Бу шайх ҳар жума намоз-хонларга ваъа айтар, султонни яхшилик қилишга ундар ва унинг қўлида гуноҳорона, бешафқат ҳаракатларга жирканган уйғорлар, султон унинг сўзларини тинглаб, йнгллар эди. Шайх султондан ҳеч қандай совға омас, унинг овқатидан елмас, берган кийимларини киймасди, у Оллоҳнинг эътиқодли қули эди. Эгнидидаги кийимлари ҳам йиртилди, тўзиб кетганди. Бир кун мен унга: «Эй меннинг оғам, қандай кийим кийиб юрибсан, аҳир у яхши эмас-ку!» — дедим. Менинг кийимларимдан олинди, деб айтдим унга. Шунда у айтди: «Мен бундан эълин йил аввал бирор кишидан совға олмайман, деб Оллоҳга қасам ичганман, агар бирор кишидан совға олганимда эди, сендан ҳам олган бўлар эдим...»

АВВАЛГИ ҲИКОЯМИЗГА ҚАЙТАМИЗ

Мен султон Тармаширин билан хайрлашиб, Самарқандга отландим. Бу энг йирик ва гўзал шаҳарлардан диди... Шаҳар аҳолиси шом намозидан сўн дарё бўйида сайр этади. Бу ерда ўтириш учун тахтасуналар бор, кўй-қолларда ҳўл мева ва турли емишлар сотилади. Дарё бўйида улкан сарой ва бинолар бўлганлиги, улар самарқандликларнинг моҳир уста эканлигиндан далолат беради. Бироқ бу бинолар, шаҳарнинг асосий қисми каби, вайроналарга айланган. Шу боис на девор, на дарвоза бор қолган. Шаҳар ичиди аҳли ажнабийларга нисбатан олижаноб ва дўстона муносабатда бўлишади... Самарқанддан ташқарига Қусом ибн Абд ал-Муталлиб¹² мақбараси жойлашган бўлиб, у шаҳарни фатҳ этишда ҳалок бўлган... Татарлар (муғуллар) ўша даврда, ҳали маъжусийлик пайтларида бу муқаддас даҳманин бирор жойини ўзгартирилмаган эди, кейин унинг муъжизаларидан хабар топиб, эҳтиром билан қарай бошладиди.

Самарқандда шу шаҳарнинг қозиси Садр ал-Наҳонни кўрдим, у шаҳарнинг муътабар ва олижаноб одамларидандир. Ҳиндистонга мендан кейин жўнаб кетган экан. Эшитдимки, Синд пойтахти Мўлтонда вафот этибди.

С. ХУҲАЕВ таржимаси

ИБН БАТТУГА

«САЁХАТЛАР»

ХОРАЗМ ҚОВУНИ

Муслмон оламнинг мағрибу маърифатида, Бухоро ва Исфрахон қовунини истисно этилганда, Хоразм қовунига тенг келадигани йўқ. Унинг пўсти яшил, гўшти қизил, бағоят ширин ва айни пайтда қаттиқ. Қизини шундаки, уни бўлакларга бўлиб, офтобда қуритишади ва саватларга солишади, бизда қуритилган анжир (шариха) ва малага анжирини нима қилишса, қовунқиларини ҳам узоқ Ҳиндистон ва Хитой шаҳарларига олиб боришади. Барча қуритилган мевалар ичиди ундан яхшиси йўқ. Ҳинд шаҳри Деҳлида борганимда, сайёҳлар келганини эшитсам, қовунқиласотиб олиш учун бирор кишини жўнатардим. Ҳинд шохи ўзига озгина келтирилса ҳам, уни менга юборар, қовунқилани яхши кўришимиз биларди.

ОЛИЖАНОБ САВДОГАР

(Ибн Баттута Хоразмга келгунча унга моддий жиҳатдан ёрдам бериб турган Али ибн Мансур исмли савдогар ҳақидаги хотираларини ҳикоя қилади).

Хоразмдан жўнаб кетиш арафасида туялар ёлладим ва маҳара (тахтиравон) сотиш олддим. Афиқидин ат-Туварий билан унда ҳамроҳ бўлиб кетдик. Отларнинг бир қисмида хизматкорлар боришарди. Биз Хоразм билан Бухоро ўртасидаги саҳро қўйнига кирдик. Ўн саккиз кунлик йўлда тўхтаб ўтадиган биргина манзил бор эди. Мен жўнаш олдида амир Қўтлуғ Темур билан хайрлашдим. У менга чопон совға қилди, қозни эса бошқа чопон кийдирди ва фақхлари билан кузатиб қўйди.

Биз тўрт кун йўл юриб, Кат шаҳрига етдик. Бу йўлда ундан бошқа манзил йўқ. Кат унча катта бўлмаган ва гўзал шаҳар. Биз шаҳарга етмай, совуқдан музлаб қолган ҳовуз олдига тўхтадик. Болалар унда сирпанчич унб ўйнашарди...

Ва биз яна йўлга тушиб, саҳрода олти кун сувсиз юридик. Сўнғ Вобанат^(Воб-кент) шаҳрига етдик. У Бухородан бир кун йўл юрлягандаги манзилда жойлашган. Бу, ариқлари ва боғроғлари бўлган гўзал шаҳар

ҳардаги маҷит, мадраса ва бозорларнинг ансамбли бўлиб ётибди: Аҳолиси эса таҳқирланган... Ҳозирги пайтда кишилар орасида илмда етакчи бўладигани йўқ, унга эътибор берадиганиннг ўзи йўқ...

Биз Бухоро яқинидаги Фатҳобод деган жойда тўхтадик. Бу ерда уламо шайхлардан, олижаноб зоҳиду улуг авлиёлардан бири Сайфиддин ал-Баҳарзийнинг мақбараси бор. Мана шу шайхнинг номи билан аталувчи зовия жуда улкан ерларига эга бўлиб, ундан олинандиган даромад зиёратчиларга сарфланади. Бу зовиянинг шайхи — Сайфиддиннинг авлодларидан бири, ҳажга бориб келган Яҳё ал-Баҳарзийдир. Биз унинг уйида шаҳарнинг муътабар кишилари билан биргаликда ажойиб овозли қорилар тиловатиди Қуръон сураларини тингладик. Туркий ва форс тилларида ажойиб кўшиқлар айтилди. Жуда бир муъжизакор кеча бўлди.

Бу ерда Хиротдан келган қонуншонос олим, муҳтарам Садр аш-Шарияни учратдим. Мен Бухорода «Ҳақиний ҳадислар тўплами» («Ал-Жами ас-саҳих») тувувчисини, му-сулмонлар шайхи имом Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилдим. Оллоҳ унинг жойини жаннатда қилсин!

Кейин биз Бухородан чиқиб, улуг султон Алоийдин

ганимда тўртовлон (султон бошчилигида) мени кўтиб олишга пешвоз чиқишди ва бирга чодир ичига кирдик. Султон билан сўрашганимдан сўн, у менга саволлар бера бошлади, соҳиб ал-алома эса таржима қилиб турди...

Шу пайт муаззин пешин намозига чорлаб азон айтди ва биз ташқарига чиқдик. Бу кунлар жуда қаттиқ совуқ бўлаётган эди. Бироқ султон на эрталабки, на кечки намозни қаю қилар, ҳар доим жамоат билан ўқиди. Султон эрталабки намоздан сўнғ то шом намозигача туркий тилида зикр¹¹ этишга ўтирарди. Маҷитдаги ҳар бир киши унинг олдида келиб, қўл бериб сўрашарди. Пешин намозидан кейин ҳам шундай бўлди. Агар султонга майис ёки хурмо келтиришса — хурмони улар жуда яхши қуришади — у бу ноёб мевани маҷитдаги ҳар бир кишига ўз қўли билан тарғатлаб чиқарди.

СУЛТОН ТАРМАШИРИН ФАЗИЛЛАРИНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Шоҳнинг фазилатларига яна бир мисол. Бир кун мен пешин намозига келдим, султон ҳали йўқ эди. Унинг хизматкорларидан бири жойнамозини у одатда намоз ўқийдиган меҳроб олдига келди ва имом Хусомиддин ал-Еғийга шундай деди: «Хуқмдоримиз таҳорат олиб бўлгунча, сендан бир оқ ку-

ИЗОҲЛАР

- 1 Хоразм давлатининг пойтахти — Урганч ўша даврда Хоразм дейилган.
- 2 Шу кунни дўконларнинг бир қисми ёки хатто бутун бозор ёпилган.
- 3 Султон Ўзбек — Олтин Урда-нинг тўққизинчи хонин [1312-1340 йиллар].
- 4 Қўтлуғ Темур — Хоразм ноибни, Ўзбекхоннинг яқин қариндоши.
- 5 Муслмон ривоятига кўра, Ил, Жайхун, Дажла ва Евфрот — дунёнинг тўрт дарёси жаннатдан бошланар экан.
- 6 У кубровий тариқатига асос солган, хоразмлик атоқли шайх ва шоир; 1221 йили Хоразмни босиб олмишда муғуллар томонидан ўлдирилган.
- 7 Афиқдан «ёзгувчи» кўзда тутилган бўлса керак.
- 8 Андалусиянинг қуруқ мевани

- 9 Исмоил Бухорий [810-870 йиллар] — ислом оламнинг муътабар кишиларидан, 600 минг ҳадис асосида тўплам тўзган.
- 10 Султон Тармаширин — Чигатой авлодидан ўн тўққизинчи ҳукмдор [1326-1334 йиллар] бўлиб, исломни қабул қилган; кўчманчилик аъёналаридан кескин юз ўғирликлариинг исломага душман бўлган шарқий қисми кўчманчи муғулларни норозилигига сабаб бўлади ва кўзголон кўтарилди, у ўлдирлади.
- 11 Зикр — хотирламоқ, эсламоқ, ёд этмоқ маъносинда бўлиши керак.
- 12 Араб ҳарбий саркардаси, XIII асрда Самарқандни фатҳ этган. Унинг даҳмаси ҳозирда ҳам Шохи Зинда қабристонда сақланган.

РАДИОТАЧАНКА АФСОНАСИ

Езувчи Мавлон ИКРОМ Улуғ Ватан уруши йиллари Эронда бўлган. Қуйида унинг «Мозандарон тоғларида» қиссасидан парча ўқийсиз

Улуғ Ватан уруши фронтларидаги аҳвол бу вақтда келиб тубдан ўзгарди. Қудратли Армиямиз бошқинчи фашистларни мажақлаб, шаҳар ва қишлоқларимизни бирин-кетин овоз атарди. Жукос, Рокоссовский, Черняховский, Ковев, Ватутин, Баграмян каби қатор саркардаларимизнинг номлари тилларда дoston эди. Лашкарбошиланинг дафна барглари билан безатилган рангли суратлари ертўлардаги турбурчак мусулмон ёшлардан қурилган тумбочкаларимиз тепасида осилгич турарди.

Эндликда биз «эронлилар»га ҳам эътибор кучайтди. Полкда духовой оркестр пайдо бўлди. Иттифок таркибидagi жумхуриятлардан артистлар ва адиблар кела бошлади. Бироқ кутубхонамиз йўқ эди. Эсимда, Шоҳпайсанда бир рус хонадони менга Ана Ахматованинг оқ муқовали кичкина шеървий китобчасини тақдим этди. Аслида суворийларнинг китоб ўқишга вақти бўлмади. Аммо бу китобча қўлма-қўл бўлиб, дом-дараксиз кетди. Ана китобга чанқоқлик! Қисқаси, бизнинг кўчада ҳам байрам бўлиб, бир қадар дорилмон кунлар бошланди. Ҳатто тўйлар ҳам бўлди.

Тунги соат ўн иккида навбатчи сержант мени уйғотиб, «Старшина, сизни алоқа бошлиғи чақирлати» деди. Липл-тапил кийиниб бордим. Ертўланинг ичи офицерларга тўла эди.

— Старшина, уйлангман! Мени табриклар! — деди-да, Крутолевич қўлимга бир стакан тўла ароқ тутди. Турда ҳамшира Мария Сергеевна Чулочкина — келин ўтирарди. Уларни табрикларимда, бир кўтаришда қандагини бўшатдим. Нега десангиз, барча офицерларнинг кўзи менда эди. Ташқарига чиққач, Крутолевич деди:

— Радиотачанкаи олиб келсанг. Бизларни Шахруда — госпиталга элтиб қўйсанг. Бу буйруқ эмас. Илтимос.

— Ести! — дедим.

— Ҳа, дарвоқе, Каменовни ҳам ол. Сента ҳамроҳ бўлади.

— Ести! Отхонада мирохурлар менга қарашиб юборишни. Учта от қўшилган та-

чанкани елдириб келиб, ертўла рўпарасида тўхтадимда, жилловни радист Каменовга топшириб, ўзим ичкарига кирдим.

— Хурматли келин-куёв, тачанка сизларга мунтазаир! — дедим честь бериб. Ҳамма хурсанд келди.

— Каменова жавоб бериб юбор, бориб ухлайверсин, — деди куёв, — мен сен билан қайтиб келаман.

Келин-куёв йўлда эшитиб кетсан деган мақсадда Американинг «СЦР» радиостанциясидан кучлатгич (усилитель)ни олиб, тачангага ўрнатиб қўйдим.

— Прямник қулогини бураг, муסיқа эшитиб борасизлар, — дедим улар каптархонага ўхшаш тачанка будкасига киргач.

«Чўх!» деб тизгинларни бўши-тиб, сикатлам билан отлар тачанкани шатирлатиб тортиб кетди. Шахрудача бир фарсаҳ масофа бўлиб, йўлниг қоқ ярми сойликлардан иборат эди. Сойликдан тепаликка — кафтдай текисликка кўтарилдик. Отлар тун салқинида шаҳдам одим отиб, елиб борапти. Осмонда юлдузлар сирли жимирлайди. Аммо ой ҳали кўринмайди. Шу пайт тўсатдан тачанка кўндаланг ҳолга келиб, орқаси оғиб қолди. Кейинги чал гилдирак пирралаб ёнимдан ўтиб кетди.

— Нима бўлди?!

— Гилдирак чиқиб кетди!

— Ҳозир, мен қарашвораман!

— Сиз чимганг, ўтираперинг ўрток катта лейтенанг. Ўзим тўғрилай ман.

— Эплай оласанми?

— Ҳа-да!

Бу ерларда бўрилар изғиб юриши эҳтимоллигини назарда тутиб, тизгинларни олдинги гилдиракнинг кейгайга маҳкам боғладим. Отлар жиндай хурса кифоя, тачанкани тўғри келган томонга олиб қочади. Бир марта олиб қочган ҳам. Бироқ, бошқа от билан қувиб етиб, жилловдан ушлаб, радиотачанкани омон сақлаб қолганмиз.

Хуллас, ўттиз-қирқ метр нарида ётган зил-замбил гилдиракни олиб келдим. Уқ тешигидagi гилдиракни тў-

сиб турувчи темир қаламча резаланиб кетибди. Бунинг оқибатида, гилдирак ўқни бекитиб турган қопқоппақоғи билан отилиб чиқиб кетган экан. Ҳайдовчи ўтирадиган кутидан йўрон симни олиб, тўғрини қоплаган қалин темирга қўйиб, болга билан уриб кетдим. Унг қўлим билан тачанка ўқини кўтариб, чап қўлим билан гилдиракни жойига шарақлатиб солдим. Темир қаламчани ўқ тешигига киргизиб, қопқоғини бекитдим. Йўлда давом этдик. Отлар тачанкани енгил орторди... Шахрудан шох сайфиси оромизонга тонга яқин қайтиб келдик.

Сержант Асланов ҳамшира хушёр, сезгир ва синчков одам эди...

— Тунда нима қилдинг, қаерга бординг? — дея сўроққа тута бошлади.

Бўлган воқеани унга айтиб бердим. Григорий Христофорович мендан ўн ёш катта, ҳазил-мутуйибани ёқтирадиган, хушчақчақ арман эди. У ўша кунни рацияда навбатчилик қиларкан, икки юз чақирим наридаги дивизия штабига ўтирган навбатчи радистта морзеда тўй воқеасини батафсил хикоя қилди. Белорус старшина Александр Гурбан илгари ўзимизда хизмат қилганди. Воқеа радиотачанкага дахлдор бўлгани учун у ҳам ўз навбатда бу ҳангомани оқизмай-томизмай дивизия алоқасининг бошлиғи майор Чурсинга етказди. Чурсин эса яна юқорироққа. Хуллас, биринги ўнга, ўнники юзга деганларидек, уйланиш воқеаси, айниқса, радиотачанка гилдирагининг илк бор ўқдан отилиб чиқиб кетганлиги ҳодисаси дивизия офицерлари орасида ҳар хил наст-баланд латифалар тўғрилишга сабаб бўлади. Биринчи латифада «Кўёв тачанкадан тушиб қолибди...» дейилса, иккинчисиди «Гилдирак чиқиб кетиб, тачанка ёнбошлаб қолибди. Келин қўрққанидан кўзи ёрибди...» дейилади. Хуллас, Крутолевични мазаҳ қиладиган талағгина латифалар тўғриди.

Шу воқеадан сал кейинроқ мен Симонга бориб қолдим. Майор Чурсин мени кўрибча «Аслида қандай бўлувди, гапириб бер» деди.

Крутолевич уйланганига ҳам пушаймон бўлди чамаси. Ўзи ҳақидаги турли-туман латифалар уни қаттиқ ранжирди. Ҳеч кимга қўшйла олмай, шумшиқ бўлиб қолди бечора. Чунки уни кўрганлар бехосдан қаҳ-қаҳ уриб ёники орқасидан хиринглаб куладиган одат чиқардилар. Хуллас, сираси сув кўтармайдиган, жирртани учун ҳазил-мутуйоба ҳазм бўлавермас экан. Қолаверса, ҳазил-мутуйоба ҳам эри билан бўлгани маъқул, шеклли. Шундай қилиб, тўй ва радиотачанка вфсонаси токи биз Эронни тарк этмагунча офицерларнинг эрмаги бўлиб қолди.

МАВЛОН ИКРОМ

БҮЙДОР АЁЛЛАР

Аёллар орасида буйдорлар эркакларга нисбатан оз. Инсоният тарихидagi энг баланд буйли аёл Хитойнинг Ючанг қишлоғида ашаб ўтган Сен Чулиндири. У 1964 йилнинг 26 июнида дунёга келган. Унинг гайритабiiй ўсиши тўрт ойлик чоғидан бошланиб, тўрт ёшга тўлмасиданоқ буйи 156 сантиметрга (Роберт Уоллоунинг буйи 5 ёшда 163 сантиметр эди), 13 ёшда эса 217 сантиметрга етди. Сен Чулин 1982 йил 13 феврал кунин вафот этди, бу вақтга келиб унинг буйи 247 сантиметрга етган эди.

Бугунги кунда ҳаёт бўлган энг баланд буйли аёл АҚШнинг Индиана штатидаги Индианаполис шаҳридаги китоба Сенди Аллен (1955 йил 18 июнда Иллинойс штатининг Чикаго шаҳрида туғилган) ҳисобланади. Дунёга келганида Сендининг оғирлиги атиги 2,95 кило эди. Бироқ оранд хеч қанда вақт ўтмай гудакнинг буйи ақл бовар қилмас суръатда чўнила бошлади. 10 яшарлик чоғи унинг буйи 190,5 сантиметр, 16 ёшда эса 216 сантиметр эди. 1977 йили муртақ бозини олдириб ташлагач, Сендининг буйи (213,7 сантиметр) ўсишдан тўхтади. Бугунги кунда унинг вази 209,5 килодир.

1986 йил апрель ойида Мулия (Борнео оролидаги номсиз қишлоқда 1956 йили туғилган) исмли аёлни жарроҳлик йўли билан буйининг гайритабiiй ўсишини тўхтатиш мақсадида Ява оролидаги касалхонага келтирилди. Унинг буйи 13 яшарлик чоғида 155 сантиметр эди, бироқ кўп ўтмай гайритабiiй равишда тез ўса бошлади. 1977 йилдан эътиборан қаддини фоз тутолмай қолди, шу сабабли аёлнинг буйи ётган ҳолатида ўлчанди ва 233 сантиметрга тенг экани аниқланди. Вази эса атиги 77 кило эди. Шундан буён бу аёл ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, оператсия натижаси ҳам номалум.

ЗАҲАР ПИСАНДА ЭМАС

Тарихдан маълумки, Миср подшоси Клеопатранинг илон заҳарига қарши иммунитетни бор эди. Яқинда эса шунга ўхшаш яна бир гаройиб воқеа ошкор бўлди. Голландиялик Кристиан ван Роозенга ҳиндулар ҳали-ҳамон тил тортирмай ўлдирадиган заҳар деб ҳисоблайдиган чилибухи усимлиги шарбати музлақо таъсир этмас экан. Шифокорлар бу ҳодисани ҳозиргача изоҳлай олишмапти. «Наука и релягия» журналининг «Гипотеза» клуби шундай таҳминлайди: голландияликнинг бу қобилияти шунинг исботлайдики, Момо Ҳаво африкалик бўлган, маълумки, Клеопатра ҳам африкалик эди, генетик код орқали ёш голландиялик Клеопатранинг иммунитетига ворислик қилган.

Туркветон алоқа Матбӯот кўзгусида

ЭЪЗОГЛА ЛОНИҚ СОҲА

Бразилияликлар жамoат ва давлат муассасалари орасида ҳаммадан кўпроқ почта хизмати ва черковга кўпроқ, парламент ва ишбилармонларга эса камроқ ишоншар экан. Мамлакатдаги бообру Ибоне тадқиқот марназида ўтказилган жамoатчилик фикрини билиш натижасида шу нарса маълум бўлди.

«Эстаду ди Сан-Паулу» газетасининг ёзишича, «Миллий институтлардан қай бирга кўпроқ ишонасиз!» деган саволга жавоб беришаркан, бразилияликлар биринчи ўринга почта хизматини (64 фoнз), кейин черковни (50 фoнз) қўйишган. Шулар қаторида ўқитувчилар нуфузи ҳам (44 фoнз) чакки эмас.

БАШОРАТЧИ ПУСТИННИ УНУТГАНДИ

Кишинёвдаги АТСда болаларнинг Австралияга телефон қилиши билан (мулоқот секс хусусида бўлганди) боғлиқ можаро бирёқли бўлмай туриб алоқачилар яна бир муаммага йўлиқишди.

Москвада чиқадиган «Скандал» газетасида бир америкаликнинг телефон орқали текнига башорат қилиши ҳақидаги эълонни ўқиган саккиз ёшли қизалоқ бу хизматдан фойдаланишга бўлади. Бир ҳафта давомида унинг АҚШлик башоратчи билан телефондаги сўхбати қиймати нақ 600 минг сўмга етди.

Австралияликнинг хизматидан азият чеккан ота-оналардан фарқли ўлароқ, бу қизалоқнинг онаси АТС хизматчилари билан пачаюлашиб ўтирмай, қисқа фурсатда қарзини тўлашга рози бўлди. Жазо сифатида қизалоққа қишкин пўстин олиб бермасликка қарор қилишди.

Туркветон алоқа Матбӯот кўзгусида



БОЛАЛИК ҲАЙРАТИ. Суратчи Р. АЛЬБЕКОВ

М. НИЗАНОВ

БЕЧОРА...

довруқларини осмонга чиқариб туришганида орқасидан фельетон ёзиб турсан...
Дук, бўлмади!

— Балки тиббиёт мавзусида ёзармиз. Духтирларнинг намчиликлари...

Муҳаррир қаттиқ бош қайқаб:

— Бизам иссиқ жонмиз, одаммиз! — деди қизишиб. — Бизам касалга чалиниб қолишимиз мумкин. Ҳа бу энди ўзинг чиққан дарахт шохига ўзинг болта ургандай гап-да!

— Унда ўрганган мавзу — савдонь нишонга оламиз.

— Бай-бай, нахотки тушумасанг, ҳамма ёқда бозор иқтисодига ўтиш ҳақида гап бўлиб турганида биз савдонь нишонга олсак, ўқимиз ўзимизга қайтиб келмайми!

Мажлида ўзимизча фельетон қиладиган мавзуларнинг кўпчилигидан мамнун бўлиб, ҳар ҳафтада биттадан фельетон чиқаришни режалаштириб қўйгандик. Ана энди худди кўнми қисмлагандай уларнинг ҳаммаси қафтизмиздан шувиллаб тўкилиб кетди.

— Бўлмаса алоқа бўлими ҳақида ёзамиз. Телефон можаросию газета-журнал, пенсия пулларининг вақтида эгаларига етказиб берилмаслиги ҳақида қанчадан-қанча мактубларимиз бор.

— Ҳозир алоқа бўлимига тегиб бўлмайди. Бозор иқтисодига ўтиш пайтида уларнинг ишиям қийинлашиб кетган. Бунинг устига, алоқачиларни КРУ тафтиш қилипти. Қўш отлаб чопсак, уят бўлади.

Ун йилдан бери ўлда-жўлда ётган маиший бино қурилиши, сифатсиз маҳсулотлари билан одамларнинг жонига теккан саноат компанияти, ярим миллион сўмлик ёнилгани исроф қилган автобаза, ишни эплай олмайётган гишт заводи директори ҳам «танлов»дан ўтмади. Аслида муҳарриримиз тумандаги барча ташкилот раҳбарларидан ҳайра, бундан ташқари, уларнинг кўпчилигига ҳўжалар, рўзгор ташвишлари билан иши тушиб турар эди. Хуллас, муҳаррир икки ўт орасида қолганди.

— Менда бир фикр уйғовди. — деди у пелонаси-

ни тириштириб. — Мажлисида қиллоқ шўросининг раиси Абдуғаффор деган қария ҳақида гапириб ўтди. Уша ноинсоф чол қўшнисининг томорқасидан етмиш сантиметр ерни ўзининг томорқасига қўшиб олибди. Шу ҳақида қойилла-тиб бир фельетон ёзсан! Ёзгандаям аяб ўтирмайсан!

— Етмиш сантиметр ер учун фельетон ёзсак одамлар устимиздан қулишмайдим?

— Нега қулишар экан! — деди муҳаррир қизишиб. — Бу ерда фақат ер масаласи эмас, балки бир фуқаронинг ҳуқуқи поймол этилган. Биз уни ҳимоя қилишимиз керак. Гап тасом, ишга кириш. Эрта эмас, индинга фельетон тайёр бўлиши керак!

Шундан қилиб, сўнгги ўн беш йил ичида бизнинг туман газетасида фельетон ёзуғлик юзини кўрди. Фельетон қаҳрамони Абдуғаффор қария қиллоқ шўроси кенгашида қаттиқ оғохлантирилди ва у етмиш сантиметр ерни қўшинисига қайтариб берди.

Энг муҳими, муҳарриримиз бу фельетонни ҳисобот нўтига киритиб, у ҳақида тумандаги барча мажлисларда сўзлаб юрибди.

Қорақалпоқчадан Меҳмон ИСЛОМҚУЛ ўғирди

Афандиларнинг ХУРЖУНИ



МИТТИ МАСАЛЛАР

Ит, қуён ва отни ишдан бўшатди.
Урмондаги жамик ҳайвонлар ҳайрон бўлиб қолишди. Сўраб-суриштира бошлашди.

— Сен одамнинг дўсти эдинг-ку, ит! Ҳаммаша одамларга яхшилик қилиб келардинг. Сени нега бўшатди экан!
— Кайфчилиқда бемаҳал

ақиллаб, ҳўжайинни безовта қилувдим...
— Сен-чи, қўёввой! Беозор гийай кимнинг қаҳрига учради!
— Раҳбарларга олайиб қараганим ёқмабди.
— Сен-чи, заҳматкаш от, сен нега азият чекидинг!

— Дипломли эшакни ўринмига юборишди...
Иккита чивин учиб боршарди. Ногоҳ улардан биттаси қулай бошлади. Шериги сўради:
— Нима бўлди!
— Кўзимга пашша кирди.

ХАНДАЛАР

мабди. Чол жинг-бийрони чиқиб, уйга қайтибди. Мулдоқ қараса, камшири ҳеч нарса бўлмагандек уйда бе-

малоз ўтирганниш.
— Нега келмадинг, ялмоғиз?
— Ойим юбормадилар...

Хизматкор ишга кириш учун келди. Уй бекаси ундан сўради:
— Айтингчи, тўтиқушга муносабатингиз қандай?
— Ташвишланманг, мен ҳамма нарсани еябераман!

Икки оғайни гурунглашарди.
— Отанг машинани уриб олганингни эшитиб нима деди?
— Сўқийини олиб ташлаб гапирайми?
— Албатта.
— Ҳеч нарса демади.

Мамлакатни телефонлаштириш энди бошланган йиллар эди. Кека яхудий янги ўрнатилган апарат ҳақида сўради.


— Бу жуда осон, — дея тушунтирди монтёр. — Чан қўлқисиз билан трубкани ушлаб, ўнг қўлда мана бу илгакни шиқиллатасиз. Телефонда ойнақиз жавоб бергач, яхшироқ эшитиш учун трубкани ўнг қўлга олсангиз.

— Демак, иккала қўлни ҳам банд бўларканда, унда қандақ гап-лашаман?

Дўконга мижоз келиб, норози оҳангда деди:
— Бир соат аввал сиздан нимча сотиб олувдим. Сиз уни тоза жундан тўқилган деган эдингиз. Ана, ёзувини қараңг, у сунъий толада экан-ку?!
— Ахир бу ёзув сиз учун эмас! Куялария чалғитиш учун ёзиб қўйганмиз.
— Эшитдингми, қўшини хотин бор бисотини болалар уйига топширибди.
— Савоб иш қилибди. Дарвоқе, бисотида ялмас бор экан?
— Никоҳсиз туғилган тўртта боласи бор экан.

— Хотинингиз ёзган шиқоятда айтилишича, сиз ҳаммаша уйга кечикиб келармишсиз?
— Агар эрта келсам, у пиширган овқатни ейишга мажбур бўлман-да.

Ресторан буфетчисига бир одам деди:
— Юз грамм қўйворинг бошланмасдан туриб.
Орадан ўн минут ўтгач, у яна шу илтимосни такрорлади. Кейин учинчи марта келди:
— Барака топкур, қўйвора қонинг бошланмасдан туриб.
Буфетчи жаҳл билан ўшқирди:
— Нима бошланмасдан олдин? Нима? Қанақа одамсан ўзинг? Пулдинг борми?
— Мана энди бошланди...



Сўзсиз сурат. Мусаввир Р. ЭГАМБЕРДИЕВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ислом УСМОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Еқубжон ХУҲЖАМБЕРДИЕВ
Бобохон ШАРИПОВ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АҲМЕДОВ
Воҳид АЪЗАМОВ
Билол АМИНОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.

ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўл-ёзмалар (2 оралқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 000011.
Буюртма № Г — 511.

25910 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5 6